

СОТСИОЛИНГВИСТИКА (ИЖТИМОЙ ТИЛШУНОСЛИК)

Мухаммадиева Манижа

Термиз давлат университети 2-курс, магистранти

Аннотация

Тезисда тилшуносликда ижтимоий йўналишнинг тараққиёти, Россияда сотсиолингвистиканинг ўрганилиши, сотсиолингвистик типологиянинг мезонлари ва Ўзбекистонда ҳозирги сотсиолингвистик жараёнлар ёритилган.

Калит сўзлар: Сотсиолингвистика, ижтимоий тилшунослик, тил, жамият, сотсиология, микросотсиолингвистика, макросотсиолингвистика

Сотсиолингвистика атамаси ҳозирги замон тилшунослигига икки маънода кўлланилади: а) тил ва жамият ўртасидаги муносабат, тилнинг ривожланишида жамиятнинг аҳамияти муаммоларини ўрганиш; б) миллат ёки халқнинг ижтимоий табақаланиши билан боғлиқ ҳолда тилда вужудга келадиган фарқлар муаммосини ўрганиш.

Тилшунослик тарихида бу маъсалалар маълум даражада тадқиқ этилган. Аммо XX асрнинг 60-70 йилларига келиб тилшуносликда ана шу муаммоларни ўрганишга эътибор янада қучайди. ¹Сотсиолингвистикага оид бундай муаммоларни ўрганишда тилшунослик фақат жамиятшунослик фанига эмас, балки фалсафа, ижтимоий психология, этнография сингари яна бир қатор фанлар ютуқларини ҳам инобатга олиши лозим бўлади.

Ҳозирги замон тилшунослигига сотсиолингвистик тадқиқотларга қизиқишининг кучайиб бораётганлиги қуйидаги икки сабаб билан изоҳланади: а) ҳозирги жамиятда илмий асосланган тил сиёсатига эҳтиёж кундан-кун ортиб бормоқда; б) структурал тилшунослик шу вақтга қадар фақат тилнинг ички тузилишини ўрганиш билан қизиқиб келди, тилнинг жамият билан, уша тил эгаси бўлган халқ таърихи, урф одати билан муносибати муаммоси тилшунослар эътиборидан четда қолиб кетди.

Ҳозирги даврда тилшуносликда сотсиолингвистик тадқиқотларнинг тез ривожланиши структурализм оқимининг салбий томонлари билан ҳам боғлиқдир, чунки структурализм тил бирликларига хос бўлган шакл ва маъно бирлигини рад этиб, фақат шаклан ўрганишга кўпроқ эътибор қаратган эди. Аммо жамият ривожланиши бунинг тамомила аксини исботлади, яъни бирон тилнинг яшаши ва ривожланиши бу тилда гаплашувчи халқ ва жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ экани маълум бўлди.

Жаҳон тилшунослигига сотсиолингвистик тадқиқотлар Россияда, АҚШ, Франсия, Англия каби мамлакатларда жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

¹. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Т., 1972, 78-б

1. Россия ва Ўзбекистонда сотсиолингвистик тадқиқотлар. Бундай тадқиқотлар Россияда ва сабиқ СССР таркибига киравчи бошқа ҳудудларда 1917 йилдан кейин жамият эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда авж олди.² Бу ҳудудда яшовчи халқлар орасида қадимий ёзув анъаналарига эга бўлганлари ҳам умуман ёзуви бўлмагани ҳам мавжуд эди. Шунинг учун сотсиолингвиста фани бу даврда қуйидаги масалаларни ёритиш билан шуғулланди: а) адабий тилга хос бўлган шева ёки диалектни аниқлаш ва унинг таянч эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш; б) бўлажак адабий тилнинг товуш таркибини инобатга олиб уша халқнинг миллий ёзувини, алфавитини имло қоидаларини яратиш ва бошқалар.

Россия ва Ўзбекистонда сотсиолингвистик тадқиқотлар миллатлараро алоқа воситаси муаммосини ҳал этишга ҳам интилади.

Чет элларда, айниқса АҚШда сотсиолингвиста бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда, АҚШ тилшуноси Р.Т.Белл таъкидлашича, ижтимоий тилшунослик соҳасида АҚШда икки йўналиш мавжуд: а)соф сотсиолингвистика, бунда гапиравчи ва тингловчи грамматикаси, бир-бирига таъсири, ҳамкорлиги ўрганилади; б) тил сотсиологияси, бунда тил ишоралари, белгиларининг жамиятдаги турли ижтимоий жабҳаларда ишлатилиши масалалари ўрганилади. АҚШда биринчи йўналиш микросотсиолингвистика деб юритилади, у билан асосан тилшунослар шуғулланадилар. Иккинчиси эса макросотсиолингвистика деб номланади, бу муаммолар билан сотсиологлар шуғулланадилар.

Демак жамиятга тил қанчалик зарур бўлса, тил учун жамиятнинг бўлиши шунчалик аҳамиятлидир. Тилнинг мавқеи, ривожланиши унинг муомалада бўлиши алоқа воситаси сифатида хизмат қилишига боғлиқ. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси тилнинг сотсиолингвистика фани юқоридаги масалалардан ташқари яна аёллар, эркаклар, ўсмирлар, мактаб ва боғча ёшдаги болаларнинг нутқига хос хусусиятларни ўзгаришига ҳам катта эътибор қаратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Т., 1972.
2. Кодухов В.И.. Общее язлукознанле. – М., 1974.
- 3..Баскалов Н.А., Содиқов А.С. Умумий тилшунослик, – Т., 1979.

².Кодухов В.И. Общее язлукознанле. – М., 1974, 120-б